

технологик жараёни ишлаб чиқариш эҳтиёжларига, ишлаб чиқариш бинолари ва маъмурий биноларни ёритиш, иситиш, шамоллатиш учун электр энергия сарфини, шунингдек, ушбу электр тармоқларига уланган субистемолчиларнинг эҳтиёжини ҳисобга олиш.

Шунингдек, 5 МВт ва ундан юқори бўлган қувватга уланган Истеъмолчи, Қорхона талабига асосан аниқлаш ва хабар беришга мажбур:

истеъмол қилинаётган қувватнинг ҳар суткалик, ҳар ойлик сарфи ва амалдаги миклори, энергетика тизимининг энг кўп ва энг кам юкламали даврида реактив энергия ва қувватнинг ҳар суткалик сарфи, энергетика тизимининг энг кўп юкламасининг ўтиш даврида актив энергия (қувват)нинг ҳар 30 дақиқадаги сарфини.

Истеъмолчи конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

4.3. Қорхона қуйидаги ҳуқуқларга эга:
Истеъмолчидан Шартномада белгиланган ўз мажбуриятларини кўрсатган даражасида бажаришни талаб этиш;

ушбу шартнома шартлари бажарилмаганда ёки бузилганда Истеъмолчи томонидан асосланган амалдаги зарарни белгиланган тартибда қоплатиш;

авария режимда, қорхонани хабардор қилиб Истеъмолчини электр тармоғидан ўзиб қўйиш;

Қорхонанинг кўрсатмасига асосан, ҳамда ЭХНАТга уланган ёки энергияга олдиндан ҳақ тўлаш қурилмасига эга ҳисобга олиш прибори бўлган истеъмолчини олдиндан туланган ҳақ тўлаганда электр тармоқларидан ўзини.

Қорхона конунчилиқка мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.
Маъмур Шартномага асосан Истеъмолчини электр тармоқларидан ўзилгандан кейин юзга келган ҳолат учун Қорхона жавобгар бўлмайди.

4.4. Қорхона қуйидагиларга мажбур:
Истеъмолчига энергияни электр тармоғи орқали электр тармоқларининг баланс бўйича мансублик бўлиниш чегарасигача Шартномада кўрсатилган ҳажмда мунтазам етказиб бериш; уқуналар, электр узатиш линияларини, ҳисобга олиш приборларидан фойдаланиш, уларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш, шунингдек, ўз электр ҳўжалиги объектларидаги носозликларни бартараф қилиш;

электр ҳўжалиги объектларини таъмирлаш билан боғлиқ электр таъминотидаги қўтилаётган ўзинлишлар тўғрисида уч кундан кечикмасдан огоҳлантириш;

Истеъмолчини электр энергиясини етказиб беришни тўхтатилиши ва тўхтатилиш сабаблари тўғрисида хабардор қилиш.

қиритилаётган чеклашлар тўғрисида, чеклашларни хажми ва вақти кўрсатилган ҳолда олдиндан хабар бериш;

электр энергияси тўлик етказиб берилмаганлиги ёки электр таъминотидаги бошқа бузиллишлар тўғрисидаги Истеъмолчининг аризасини, ариза олинган кундан бошлаб 10 кундан кечиктирмай кўриб чиқиш, бартараф этиш ва батафсил жавоб юбориш;

Истеъмолчига ўрнатилган тартибда етказиб берилган энергия ҳисобини юритиш;
Истеъмолчининг белгиланган тартибда қиритилган тартибларига мувофиқ, ўн кун мўддатда электр энергиянинг ойлик шартномавий хажмига ўзгартиришлар қиритиш, электр энергиянинг ойлик шартномавий миклорини қўлайтириш (камайтириш) мумкин бўлмаган тақдирда – истеъмолчига бу ҳақда, рақд этиш сабабини кўрсатган ҳолда хабар қилиш;

Истеъмолчида ўрнатилган ҳисобга олиш приборларини алмаштириш, ўрнатиш ва техник хизмат кўрсатишни, шунингдек пломбашшни таъминлаш;

сифат кўрсаткичлари давлат стандартига мувофиқ бўлган электр энергиясини етказиб бериш.

Қорхона конунчилиқка мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Электр таъминоти шартномаси бўйича шартнома шартлари бажарилмаган ёки тегишли белгиланган тартибда жавобгар бўлади шунингдек, шартнома шартлари бажарилмаган ёки тегишли тарзда бажарилмаган ҳолларда, Қорхона бунинг натижасида етказилган зарарни қоплашга, "Истеъмолчи" эга етказилган ҳақиқий зарарни қоплашга мажбур.

5.2. Қорхона Истеъмолчи олдида материал жавобгар бўлмайди агар:

Истеъмолчи электр энергияси истеъмолнинг белгиланган режимига риоя қилмай, электр энергияси истеъмолчи ёки қувватнинг шартномавий миклоридан ошиб кетишига йўл қўйганда, ҳудудий электр тармоқлари қорхонаси томонидан белгиланган электр энергияси чеклаш жадвали бажармагани туфайли паст сифатли электр энергияси етказиб берилмаганлиги учун;

захира манбан автоматик ишга тушганда, автоматик қайта улаш ва автоматик тарзда частотани соझаш билан боғлиқ ўчиришлар вақтида электр энергиясини етказиб бериш борасидаги танафуслар учун истеъмолчи олдида моддий жавобгар бўлмайди.

5.3. Қорхона Истеъмолчини электр энергиясидан ўзингандан ёки еңгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ҳамда фавуқлотда авария ҳолатлари юзга келганда (форс-мажор) Истеъмолчи олдида жавобгар бўлмайди.

5.4. Маъмур шартномани бажариш жараёнида юзга келадиган барча келишмовчилик ва низолар музокара ўтказиш орқали ҳал қилинади. Келишмовчиликларни музокара ўтказиш орқали ҳал қилишнинг иложи бўлмаганда, улар суд тартибда ҳал қилинади.

VI. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

6.1. Шартнома 2022 йил 31 декабрь

Шартномага қиритилган ўзгартишлар жорий ойда қўлланилмайди ва кейинги ойдан қучга қиради.

Шартноманинг амал қилиш мўддати тугаганда, томонлардан бири уни ўзайтириш ёки бекор қилиш бўйича ариза бермаган бўлса, шартнома кейинги ҳар бир йилга ўзайтирилган ҳисобланади (Бюджет ташкилотлари бундан мустаъно). Ариза ушбу Шартноманинг амал қилиш мўддати тугашидан бир ой олдин тақдим этилиши лозим.

6.2. Маъмур шартнома бир хил юридик қучга эга бўлган ва томонларнинг ҳар бирида сақланаётган икки (Бюджет ташкилотлари учун уч) нусхада тузилган. Шартноманинг иловалари унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

6.3. Томонларнинг бирини ташаббуси билан Шартномани мўддатидан олдин бекор қилиш, иккинчи томонни бекор қилиш мўддатидан ўттиз кун олдин хабардор қилган ҳолда ва томонлар ўзаро ҳисоб-китоб қилиши шартли билан бекор қилиниши мумкин. Бекор қилиш тўғрисида хабарнома ёзма равишда юборилади.

6.4. Барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар фақат ёзма равишда амалга оширилса, томонларнинг вақолатли-шахслар томонидан имзоланган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

6.5. Маъмур шартнома талабларида назарда тутилмаган тартиб – қондалар Вазирлар Маҳкамасининг 2018 - йил 12 - январда 22 – сон қарори билан тасдиқланган Электр энергиясидан фойдаланиш қондалари ҳамда бошқа амалдаги норматив – ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мувофиқ тартибга солинди.